

**Омонтурдиев Ортик Эшбоевич,
Бтзнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси**

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасининг пул тизимини амалдаги ҳолати таҳлил қилинган, уни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: пул тизими, валюта курси, Марказий банк, инфляция, инфляцион таргетлаш, пул массаси, асосий ставка, мажбурий захира ставкаси, девальвация, пулкредит сиёсати, давлат бюджети дефицити.

Аннотация: В статье анализируется современное состояние денежной системы Республики Узбекистан, выявлены проблемы, связанных с её развитием и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: денежная система, валютный курс, Центральный банк, инфляция, инфляционное таргетирование, денежная масса, основная ставка, ставка обязательного резерва, девальвация, денежно-кредитная политика, дефицит государственного бюджета.

Abstract: The article analyzes the current state of the monetary system of the Republic of Uzbekistan, identifies problems associated with its development and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: monetary system, exchange rate, Central Bank, inflation, inflation targeting, money supply, basic rate, mandatory reserve rate, devaluation, monetary policy, government budget deficit.

Кириш

Миллий пул тизимини мустаҳкамлаш макроиқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Хусусан, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, инфляциянинг мўътадил даражасига эришиш, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича амалга оширалаётган чоратадбирлар мажмуида пул тизимини мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги фармонида миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш валюта сиёсатини либераллаштиришнинг устуво йўналишлари сифатида эътироф этилган [2]. Шу сабабли,

мамлакат пул тизимини мустаҳкамлаш масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш илм-фаннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

М.Абрамованинг фикрига кўра, пул тизими – бу алоҳида олинган мамлакатда ёки ягона иқтисодий ҳудудда пул муносабатларини ташкил қилиш шаклидир [3].

Фикримизча, М.Абрамова пул тизимини пул муносабатларини ташкил қилиш шакли сифатида тўғри эътироф этган. Аммо қайси шакли эканлигини аниқ кўрсатмаган.

А.Эйдельмант пул тизимини пул муомаласини ташкил этиш шакли сифатида эътироф этади [4].

Ж.Кейнснинг хулосасига кўра, фоиз меъёрининг ошиши пуллар таклифининг камайишига олиб келади, аммо иқтисодий тизимнинг ривожланишига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради [5].

Ж.Кейнснинг ушбу хулосаси дунёнинг кўпчилик мамлакатлари амалиётида ўз исботини топди. Хусусан, унинг мазкур хулосасини амалиётга татбиқи АҚШ иқтисодиётини Иккинчи жаҳон урушидан кейинги 15 йил мобайнида инқирозсиз ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин эгаллади. Бундан ташқари, “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланилиши натижасида АҚШ 2001-2003 йилларда дефляция муаммосидан қутулиб қолди .

Н.Мэнкьюнинг хулосасига кўра, “товарлар ва хизматлар баҳоларининг ошиши баҳоларнинг ўсишига олиб келади. Ўз навбатида, баҳолар даражасининг ошиши пулларга бўлган талабни кўпайганлигини билдиради. Натижада иқтисодиёт янги мувозанатлашган ҳолатга келади ва бунда пулларга бўлган талаб ҳажми билан пуллар таклифи ҳажми мувозанатлашади” [6].

М.Фридменнинг фикрига кўра, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши пул массасининг мўътадил ва мунтазам ўсишини талаб қилади, пул массасининг ўсиш суръати доимий бўлиши лозим ва унинг ўзгариши иқтисодий конъюнктуранинг тебранишларига умуман боғлиқ эмас [7].

О.Намозов хулосасига кўра, сўмнинг алмашув курсини оптимал даражада унификация қилишни таъминлаш йўли билан биржадан ташқари валюта бозорини эркинлаштириш вазифасини ҳал қилишга кўмаклашиш лозим [8].

Т.Бобакуловнинг хулосасига кўра, мамлакатдан экспорт қилинаётган маҳсулотлар нархларининг конъюнктуравий ошиши натижасида олинadиган қўшимча валюта тушумининг бир қисmini республика Марказий банкига берилиши унинг валюта интервенцияси ва қайта молиялаш кредитлари бериш имкониятини оширади [9].

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёзишда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг пул тизимига оид бўлган фармонлари ва қарорларидан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул тизимига оид бўлган йўриқномалари бўйича илмий таҳлилнинг эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, киёсий, таркибий ва трендли таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонунга мувофиқ:

–Ўзбекистон Республикасининг пул тизими Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигини, пул муомаласини ташкил этишни ва уни тартибга солишни ўз ичига олади;


–сўм Ўзбекистон Республикасидаги ягона чекланмаган қонуний тўлов воситасидир;

Ўзбекистон Республикаси пул белгиларининг номинал қиймати Марказий банк томонидан белгиланади.

–Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пул муомаласини ташкил этади [10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш вазифаси юкланди. [11].

Миллий пул тизимининг асосий элементларидан бири валюта курси бўлганлиги сабабли миллий валюта – сўмнинг волатиллик даражасига баҳо берамиз.



1-расм. Миллий валюта – сўмнинг 1 АҚШ доллариға нисбатан номинал алмашув курси, сўм¹

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2020-2020 йилларда республикада миллий валютанинг АҚШ доллариға нисбатан номинал алмашув курсининг волатиллик даражаси юқори бўлиб, 25,6 фоизни ташкил этган.

Миллий валютанинг волатиллик даражасининг юқори эканлиги, хусусан, унинг кадрсизланиш даражасининг юқори бўлиши макроиктисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Жумладан, юқори девальвация шароитида корхоналар ва банкларнинг инвестицион фаоллиги пасаяди.

Биз қуйида асосий макроиктисодий монетар индикаторларнинг даражасига баҳо берамиз.

1-жадвал

¹ Расм муаллиф томонидан www.cbu.uz сайти (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

Асосий макроиктисодий монетар индикаторлар² фойзда

Монетар индикаторлар	2020 й.	2019 й.	2020й.	2020 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Инфляциянинг йиллик даражаси	14,3	15,2	11,1	3,2
Марказий банкнинг асосий ставкаси	16,0	15,0	14,0	- 2,0
Пул массасининг йиллик ўсиш суръати	13,2	13,8	12,9	- 0,3
Иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси	19,7	17,9	17,8	- 1,9

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида инфляция даражаси 2020 йилда 2020 йилга нисбатан 3,2 фоизли пунктга пасайган. Бу эса, пул тизимини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, 2019 йилда инфляция даражасини 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада ошиши кузатилган.

Шунингдек, 2020-2022 йилларда Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2020 йилда инфляция даражасини 2019 йилга нисбатан пасайганлиги Марказий банкка асосий ставкани пасайтириш имконини берган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2020-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги республикада тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирмоқда. Ҳозирги даврда Марказий банк томонидан тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитлари ва омонатларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаси 14 фоизни ташкил этади [12].

Эътироф этиш жоизки, пул массасининг ўсиш суръатларини барқарорлигини таъминлашда давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш муҳим ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, давлат бюджетини дефицит билан бажарилиши уни

банкларнинг кредитлари ҳисобидан молиялаштириш заруратини юзага келтиради. Бунинг натижасида муомалага товарлар билан таъминланмаган пуллар чиқади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети йирик миқдордаги дефицит билан бажарилмоқда. 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, давлат бюджети дефицитининг миқдори 7711 млрд. сўмни ташкил этди [13].

Хулоса ва таклифлар

Илмий мақолани ёзиш жараёнида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики:

—2020-2022 йилларда миллий валюта-сўмнинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курсининг волатиллик даражаси юқори бўлган;

² Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz сайти (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

–республикамизда инфляция даражасини 2020 йилда 2020 йилга нисбатан пасайганлиги, пул тизимини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади;

–2020-2022 йилларда Марказий банкнинг асосий ставкасини пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантириш жиҳатидан ижобий ҳолат ҳисобланади;

–2020-2022 йилларда республикамизда пул массасининг йиллик ўсиш суръатини юқори бўлганлиги, пул тизимини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

–2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг пасайиш тенденциясини кузатилганлиги иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

–мамлакат давлат бюджети йирик микдордаги дефицит билан бажарилаётганлиги пул массасининг ўсиш суръатларини барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан жидий таҳдид ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлаш мақсадида, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. Пул-кредит сиёсатининг миллий пул тизимини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш мақсадида, биринчидан, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира ставкаларини инфляция даражасига монанд равишда пасайтириш ҳамда тижорат банклари кредитларининг номинал фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш лозим; иккинчидан, миллий ссуда капиталлари бозори фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан РЕПО аукционлари орқали фоиз ставкаларининг ўзгаришини назорат қилиш керак; учинчидан, Марказий банкнинг РЕПО операциялари ва депозит операциялари ҳажмини ошириш орқали банк тизимидаги ортиқча ликвидлиликка ва ликвидлиликнинг етишмаслигига таъсир эта олиш имкониятини кенгайтириш лозим.

2. Марказий банкнинг миллий валютанинг девальвация суръатини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларининг самарасини таъминлаш мақсадида, биринчидан, хорижий валюталар ва олтин билан амалга ошириладиган своп операциялари ҳажмини ошириш керак; иккинчидан, миллий валютанинг номинал алмашув курсини АҚШ доллари, евро ва Япония иенидан ташкил топган “валюта савати”га нисбатан аниқлашни жорий қилиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 22.12.2022 йил.
3. Абрамова М.А. Национальная денежная система: теория, методология исследования, концепция развития в условиях модернизации современной экономики. – М.: ИНФРА-М, 2014. – С. 38-39.
4. Эйдельмант А. Буржуазная теория денег, кредита и финансов в период общего кризиса капитализма. – М.: Госфиниздат, 1958. – С. 73.
5. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 1999. – С. 204.
6. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики. 4-е изд. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. – С. 282-298.
7. Фридмен М. Если бы деньги заговорили... Пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – С. 117.

8. Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 2001. – С. 28.

9. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/582/4014-сон. 12.11.2019 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2019 й., 06/19/5877/4036-сон.

11. Пул-кредит сиёсати инструментлари. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

12. Давлат бюджетининг ижроси. www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).